

БЕК НАЗАР

# БАХТ БЕШИГИ

*Шеърлар*

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2016

**УЎК: 821.512.133-3**

**КБК: 84(5Ў)7**

**Н - 18**

**Назар Бек**

Бахт бешиги: шеърлар / Бек Назар. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2016. – 44 б.

ISBN 978-9943-27-765-6

Педагог, шоир ва журналист Бекназар Тошбоевнинг янги “Бахт бешиги” тўпламидаги шеърлар сизнинг қалбингизга офтоб нурларини сингдиради, қайнаб турган Янгиобод булоқлари каби чанқоғингизни қондиради. Шоирнинг Ватан, она, одамийлик, меҳр-муҳаббат мавзуларидаги шеърларини иштиёқ ва ҳаяжон билан ўқийсиз.

Мазкур тўпلام шеърият ихлосмандларига манзур бўлишига ва китоб жавонларидан муносиб ўрин олишига ишонамиз.

**УЎК: 821.512.133-3**

**КБК: 84(5Ў)7**

ISBN 978-9943-27-765-6

© Бек Назар, «Бахт бешиги». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

## ИСТИҚЛОЛГА ҚАСИДА

Бугун байрам! Қувонч сизмас дилларга,  
Ширин калом маржон бўлган тилларга,  
Эрк қўшигин кўз-кўз қилиб элларга,  
Ғанимларнинг бўй-бастини этиб дол,  
Қуёш каби мангу сўнма, Истиқлол!

Юртим мадҳи бахшиларга дostonдир,  
Темур бобом руҳи бизга қалқондир.  
Халқ бўлишга даъват этган Чўлпондир,  
Аждодларнинг ўғитлари малҳам, бол,  
Қуёш каби мангу сўнма, Истиқлол!

Кўзларимнинг гавҳарида минг даҳо,  
Лек Улуғбек, Навоий, Бобур танҳо,  
Ул зотларга тарих берган чин баҳо,  
Ўзбегимга бўлиб беминнат иқбол,  
Қуёш каби мангу сўнма, Истиқлол!

Шоир Фурқат армон билан яшади,  
Қодирийнинг дарди ундан ошади,  
Аллоҳ бизни ёруғ йўлга бошлади,  
Юрган йўлинг қутлуғ бўлсин, топ камол,  
Қуёш каби мангу сўнма, Истиқлол!

Фарзанд бўлиб ёт кўзлардан асраин,  
Фисқу фасодли сўзлардан асраин,  
Имони йўқ ёвузлардан асраин,  
Керак бўлса ҳаётим ҳам сенга, ол,  
Қуёш каби мангу сўнма, Истиқлол!



## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Дунёда тенги йўқ бобо маконим,  
Шукрим бир умр бошпанам ўзинг.  
Жоним фидо бўлсин чорлаган онинг,  
Тоабад оқлагум илло нон-тузинг.

Сенга муҳаббатим, севгим зиёда,  
Дилдаги ишқимни этайин изҳор.  
Сенсиз яшагим йўқ ёруғ дунёда,  
Сенсиз бахт йўллари очилмас зинҳор.

Ватаним, юрагим кенгликларидан  
Бағринга сингмоқда ҳаётбахш меҳрим.  
Ватанлар ичида сен танҳо Ватан,  
Сендадир оламнинг минг битта сеҳри.

Севгим гар дарз кетса кечирма асло,  
Адашган бўтадай бўзласин жоним.  
Нафасинг туймасам бўламан адо,  
Менинг онажоним – Ўзбекистоним!

---



## ГУЛХАНГА АЙЛАНИБ ЯШАЙЛИК

Ловиллаб ёнмоқда қўнгил ўчоғи,  
Қуёшдан тафт олган гулгун шуълалар.  
Кўзларга чўғ бўлиб меҳр булоғи,  
Одамлар нурларга талпиниб яшар.

Беғубор тонгларга ҳавас қил фалак,  
Юртдошим сурурли онлардан мамнун.  
Гар бўлса юрагинг ҳиссиз ва карахт,  
Чарсиллаб куйдиргай ҳар битта учқун.

Оловни дейдилар буюк бир тилсим,  
Яхшилар дилида ёруғлик сочар.  
Юртга тош отганга муқаррар ўлим,  
Қалби ўт инсонга бахт қасрин очар.

Биз юрган йўлларга асло қўнмас гард,  
Ғанимлар бағрини ўртар аланга.  
Гулханга айланиб яшайлик абад,  
Оташқалб умримиз садқа Ватанга!



## ЎЗБЕК АЁЛИ

Дунёда тенги йўқ энг мўътабар зот,  
Ўзингиз чин Момо Ҳавога авлод,  
Фарзанд жон томири – бахш этиб ҳаёт,  
Бошларда парвона офтоб мисоли,  
Сиз – ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Тўмарис онасиз, элни ўйлаган,  
Дилбанди доғида адо бўлмаган,  
Ёвга қон ичириб юртдан қувлаган,  
Шу ватан тупроғин асраш аъмоли,  
Сиз – ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Аждодлар таърифи тилларда дoston,  
Илло, Бибихоним оқила чандон,  
Ҳарбларда тан бергандир Соҳибқирон,  
Замонлар кўркисиз, миллат камоли,  
Сиз – ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Яхшилик нурига шамчироқ бўлган,  
Нодира, Зулфия боқий моҳ бўлган,  
Вафо ва садоқат туғ – байроқ бўлган,  
Беозор фаришта, файзли, зиёли,  
Сиз – ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Туну кун йўқловда, сўроғимда сиз,  
Шу бедор кўзларнинг қароғида сиз,  
Ҳамиша юртбошим ардоғида сиз,  
Бахтиёр онанинг танҳо тимсоли,  
Сиз – ўзбек аёли, ўзбек аёли.

---



## СЕН БАХТЛИ ЯШАЙСАН...

Оппоқ тонг отмоқда чўмилиб нурга,  
Субҳидам қўшилдинг даврага, қурга,  
Кошонанг янгради тўлиб сурурга,  
Қувончдан масрурдир ҳар бир хонадон,  
Сен бахтли яшайсан, соғлом, болажон.

Ризқ билан келгансан ёруғ дунёга,  
Иқболинг йўғрилган мангу зиёга,  
Толеинг хуш келиб қодир Худога,  
Оналар бағрини этдинг нурафшон,  
Сен бахтли яшайсан, соғлом, болажон.

Пойингга тўшалган эзгу тилаклар,  
Момолар бирма-бир суйиб йўргаклар,  
Қайноқ ҳис домида қолган юраклар,  
Ҳаётда камликни кўрмай ҳеч қачон,  
Сен бахтли яшайсан, соғлом, болажон.

Баралла куйланар қўшиқ, яллалар,  
Қайда бор бундайин хуш он, паллалар,  
Тўйингни безайди алвон лолалар,  
Шукӯҳли замон бу – сур давру даврон,  
Сен бахтли яшайсан, соғлом, болажон.

Қаддингни тик тутиб юртимизга боқ,  
Халқимнинг юз-кўзи ойдан ёрқинроқ,  
Сенга ҳам Ватандир шу она тупроқ,  
Фарзандин ардоқлар ҳур Ўзбекистон,  
Сен бахтли яшайсан, соғлом, болажон.



## СЎНМАС ОФТОБ

Истиқлол инъоми – иқбол китоби,  
Умримиз мазмуни битилган фақат.  
Бахтимиз Қомуси – сўнмас офтоби,  
Йўлимиз ёритиб турар тоабат.

Аждодлар ўгити маъно бағишлар,  
Адолат мезони барчага йўлдош.  
Нурли манзилларга дадилроқ бошлар,  
Саодат соҳилин кўзлар кекса-ёш.

Шунинг-чун Ватаним қудрати буюк,  
Халқимиз эркиндир, юртимиз озод.  
Мозийни ёд этсак бир умр суюб,  
Бу фахр ҳиссидан кўнгиллар обод.

Мукамал яралган бизнинг келажак,  
Қанот бағишлайди кўкси тоғ элга.  
Оламни қучгудай парвози юксак,  
Зафарли ютуқлар завқ берар дилга.

Йиллар зинасидан ўтиб мардона,  
Бир ўлка яратдик авлодга мерос.  
Қўлда Қомусимиз – ёруғ кошона,  
Бахтиёр яшашга қурилгани рост.





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/1875> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1875> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/1875>